

5-27-2019

The suffixes 子 “zi” and 儿 “er” in modern Chinese

Hashimova Sabohat
s.hashimova@mail.ru

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud

 Part of the [East Asian Languages and Societies Commons](#)

Recommended Citation

Sabohat, Hashimova (2019) "The suffixes 子 “zi” and 儿 “er” in modern Chinese," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 16.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss2/16

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Oriental studies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.



ХИТОЙ ТИЛИДА ОТЛАРНИ 子 “ZI” ВА 儿 “ER” СУФФИКСЛАРИ ЁРДАМИДА ЯСАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ХАШИМОВА САБОХАТ

Филология фанлари номзоди, доцент, ТДШИ

Аннотация. *Замонавий хитой тилида аффиксациянинг икки тури – префиксация ва суффиксация турлари мавжуд. Хитой тилида суффикс ёрдамида ясалган ясама сўзлар мустақил маъноли морфема ва суффикснинг қўшилишидан вужудга келади. Хитой тилида от ясайдиган, суффикс вазифасида қўлланиладиган морфемалар унчалик кўп эмас. Бироқ уларнинг баъзилари сермаҳсуллиги билан ажралиб туради, шулардан бир жуфтиши 子 “zi” ва 儿 “er” суффикслари ҳисобланади. Мазкур мақолада ҳозирги хитой тилида от сўз туркумига оид сўзларнинг 子 “zi” ва 儿 “er” суффикслари орқали ҳосил бўлиши хусусиятлари кўриб чиқилган. Мазкур мақсадни амалга ошириши учун муаллиф турли хил манбаларга мурожаат қилиб, фақат шу суффиксларга хос хусусиятларни таҳлил қилган, 子 “zi” ва 儿 “er” суффикслари орқали ҳосил бўлган лексик бирликларнинг грамматик хусусиятларини кўриб чиқиб, тегишли хулосаларни мисоллар билан далиллаб берган. Хусусан, мазкур суффикслар орқали ҳозирги хитой тилида икки, уч ва тўрт бўгинли сўзлар ҳосил бўлиши; 子 “zi” ва 儿 “er” суффикслари феъл, сифат, ҳисоб сўз ва рақамларга бириккан ҳолда от сўз туркумига оид сўзларни ҳосил қилиши; муаллиф томонидан мазкур суффикслар иштирок этган конструкциялар ҳам берилган. 子 “zi” суффикси шакли ва мазмуни бўйича кўп жиҳатдан 儿 “er”га ўхшаши, бироқ 儿 “er” суффиксидан бир нечта муҳим фарқларга ҳам эга, масалан, 子 “zi” суффикси предмет маъносидаги исмий негизлар билан бирга қўлланилиб, сўзларни абстракт маъно касб этишига ҳам олиб келади, 儿 “er” эркалатиши маъносини англатса, 子 “zi” камситувчи, менсимаслик маъносини ифодалайди. Изланишлар натижасида хитой тилида ясама сўзлар, асосан, суффикслар ёрдамида ҳосил бўлиши, префиксларнинг ишлатилиши кўлами чекланганлиги ҳақида хулосага келинган. Суффикслар воситасида кўп от ва феъллар, баъзида равишлар ҳам ҳосил бўлади. Префикслар воситасида эса фақат тартиб сонлар ва кам миқдорда от сўз туркумига оид сўзлар ясалади.*

Таянч сўз ва иборалар: морфема, шакл ясовчи морфема, сўз ясовчи морфема, суффикс, редукция, аффикс, ўзак морфемаси, ҳисоб сўз.

Аннотация. *В современном китайском языке существуют два вида аффиксации – префиксация и суффиксация. Суффиксальные слова образуются путём сложения смысловой морфемы и суффикса. Надо отметить, что в современном китайском языке количество морфем, выступающих в качестве суффиксов при образовании существительных не много. Однако они выделяются своей продуктивностью. Одними из таких суффиксальных морфем и считаются суффиксы 子 «zi» и 儿 «er» в современном китайском языке. Данная статья посвящена исследованию особенностей образования имён существительных посредством суффиксов 子 «zi» и 儿 «er» в современном китайском языке. Для раскрытия поставленной цели автор обращается к различным источникам, раскрывает общие и свойственные только соответственному суффиксу черты, исследует грамматические особенности лексических единиц, образовавшихся посредством суффиксов 子 «zi» и 儿 «er» и представляет свои выводы по данной теме, обосновывая их соответствующими примерами. Так, было выявлено, что посредством данных суффиксов образуются двух, трёх и четырёхсложные слова; посредством суффиксов 子 «zi» и 儿 «er» при сочетании с некоторыми глаголами, прилагательными, счётными словами, числительными образуются существительные; были выявлены несколько конструкций, в составе которых имеют место данные суффиксы. Есть много схожих особенностей употребления между суффиксами 子 «zi» и 儿 «er», о которых сообщается в данной статье. Однако также есть существенные различия, так, например, суффикс 子 «zi» при сочетании с именными корнями со смыслом предметности образует слова с абстрактными понятиями. Или же суффикс 儿 «er» иногда образует слова с пренебрежительным, уничижительным смыслом, а слова с суффиксом 子 «zi» приобретают ласкательный оттенок. Согласно исследованию было выявлено, что в китайском языке аффиксальные слова в основном образуются при помощи суффиксации, степень использования префиксации ограничена. При помощи суффиксации образуются большое количество существительных и глаголов, а также наречия. При помощи же префиксации образуются только порядковые числительные и ограниченное количество существительных.*



Опорные слова и выражения: морфема, формообразующая морфема, словообразующая морфема, суффикс, редукция, аффикс, корневая морфема, счётное слово.

Abstract. There are two types of affixing – prefixing and suffixing in modern Chinese. Suffix words are formed by adding a semantic morpheme and a suffix. It should be noted that in modern Chinese the number of morphemes acting as suffixes in the formation of nouns is not much. However, they stand out for their productivity. The suffixes 子 “zi” and 儿 “er” in modern Chinese are considered one of such suffix morphemes. This article is devoted to the study of the features of the formation of nouns by 子 “zi” and 儿 “er” suffixes in modern Chinese. For the purpose of disclosure of the goal, the author refers to various sources, reveals common and characteristic features only corresponding to the suffix, explores the grammatical features of the lexical units formed by the 子 “zi” and 儿 “er” suffixes and presents conclusion on this topic, justifying each of them with corresponding examples. It was revealed that two, three and four-syllable words are formed by these suffixes; the nouns are formed by combination of 子 “zi” and 儿 “er” with certain verbs, adjectives, countable words, numerals; several constructions including these suffixes were identified. There are many similar features in using the suffixes 子 “zi” and 儿 “er”, which are described in this article. However, there are also significant differences, for example, the suffix 子 “zi” combined with nominal roots with the meaning of objectivity forms words with abstract concepts. And the suffix 儿 “er” sometimes forms words with a dismissive, derogatory meaning and words with the suffix 子 “zi” acquire a caressing shade. According to the study, it was revealed that in Chinese, affixing words are mainly formed by means of suffixing, the degree of use of prefixing is limited. With the help of suffixing a large number of nouns and verbs, as well as adverbs are formed. With the help of prefixation, only ordinal numerals and a limited number of nouns are formed.

Keywords and expressions: morpheme, morpheme-forming morpheme, word-forming morpheme, suffix, reduction, affix, root morpheme, countable word.

Сўз ясовчи кўшимчалар ёрдамида сўз ясаш кўпчилик тиллар учун хос. “Аффиксация – аффиксларнинг мустақил маъноли морфемага бирлашишидан келиб чиқувчи сўз ясалиш усулидир”¹. Ҳозирги хитой тили сўз ясалиш тизимида аффиксация сўз ясалишининг иккинчи усули ҳисобланади. Аффиксация усулининг кўлами ўзак (сўз) кўшилиши усулидан торроқ бўлса ҳам, сўз ясалишида аффиксациянинг ахамияти кам эмас ва у асосий сўз ясаш усуллари билан бири ҳисобланади.

Аффикс – бу формал морфема бўлиб, у мустақил маъноли морфемага бирлашади. Хитой тилидаги аффикслар, худди бошқа тиллардагидек, мустақил маъноли сўзларнинг маъно йўқотиши натижасида сўз ясовчи воситаларга айланиши оқибатида пайдо бўлган. Аффикс мавҳум грамматик маънога эга бўлиб, предмет-лексик маънодан маҳрум.

Ҳозирги хитой тилида аффиксациянинг икки тури – префиксация ва суффиксация турлари мавжуд². Хитой тилида ясама сўзлар, асосан, суффиксация усули билан ҳосил бўлади, префиксациянинг ишлатилиш кўлами чекланган. Суффиксация воситасида кўп от ва феъллар, баъзида равишлар ҳам ҳосил бўлади. Префиксация йўли билан эса фақат тартиб сонлар ва кам миқдорда от туркумига оид сўзлар ясалади.

Хитой тилида суффиксли сўзлар мустақил маъноли морфема ва суффиксларнинг кўшилишидан вужудга келади. Сўз ясалишида ўзак морфемадан кейин келадиган аффиксли морфема суффикс (后缀 “houzhu”) деб аталади.

Хитой тилида аффиксация кўплаб хитой, рус, инглиз тилшунослари томонидан хитой тили грамматикасини тадқиқ қилиш жараёнида

¹ 胡波刘，文月。实用现代汉语语法。- 北京，2015。- 页 36。Hu Boliu, Wen Yue. Shiyong xiandai hanyu yufa (Practical grammar of Chinese), Beijing, 2015, p.36.

² 胡波刘，文月。实用现代汉语语法。- 北京，2015。- 页 37。(Hu Boliu, Wen Yue. Shiyong xiandai hanyu yufa (Practical grammar of Chinese), Beijing, 2015, p.36.)



ўрганилган. Масалан, Хаматова А. А. “Словообразование в китайском языке” китобида аффиксация ҳақида умумий маълумот бериб ўтади. Хусусан, хитой тилида мавжуд бўлган 子 “zi”, 头 “tou”, 者 “zhe”, 儿 “er”, 巴 “ba”, 然 “ran”, 户 “hu”, 坦 “tan” суффиксларининг умумий жиҳатларини баён этади.

А. А. Хаматованинг фикрига кўра, 儿 “er” суффикси кўп ҳолларда кичрайтирувчи суффикс ҳисобланади. 儿 “er” суффикси ёрдамида отларни яшашнинг кўп моделлари мавжуд. Хусусан, кичрайтирувчи ёки эркалалаш маъносини ифодаладиган отларни яшашда қўлланади: 小孩儿 “xiaohair” – “болача”, 刀儿 “daoer” – “пичоқча”. Муаллифнинг ушбу фикри Сун Чайсюнинг “Хитой тилида сўз ясаши” китобида кўрсатилган биринчи функциясини тўлдириб келади.

Хитой тилида от ясайдиган, суффикс вазифасида қўллана оладиган морфемалар унчалик кўп эмас. Бироқ уларнинг баъзилари сермахсуллиги билан ажралиб туради. Масалан, 子 “zi” ва 儿 “er” суффикслари: 胖子 “pangzi” – “семиз одам”, 脖子 “bozi” – “бўйин”, 肚子 “duzi” – “ошқозон”, 狮子 “shizi” – “шер”, “арслон”, 燕子 “yanzi” – “қалдирғоч”, 蚊子 “wenzzi” – “чивин”, 树林子 “shulinzi” – “ўрмон”, 帽子 “maozi” – “бойкийим”, 样子 “yangzi” – “манзара”, “намуна”, 日子 “rizi” – “кун”, 孩儿 “hair” – “тўдак”, 棍儿 “gunr” – “тахтача”, 门口儿 “menkouer” – “йўлак”, “сурат”, 盖儿 “gai” – “қопқоқча”, 包儿 “baor” – “тугун” ва б.

А. А. Хаматованинг фикрига кўра, 儿 “er” суффиксининг кейинги функцияси “бошқа сўз туркумларидан отларни яшаш”дан иборат¹:

“Сифат → от: 干 “gan” – “қурук” → 干儿 “ganr” – “қуритилган озиқ-овқатлар”, 尖

“jian” – “ўткир” → 尖儿 “jianr” – “учи”, “тиғ”, 刺 “ci” – “санчмоқ” → 刺儿 “cigr” – “тиканак”, “зирапча”.

Феъл → от: 吃 “chi” – “емоқ” → 吃儿 “chigr” – “егулик”, “овқат”, 滚 “gun” – “думаламоқ”, “минмоқ” → 滚儿 “gunr” – “айланма”, “бурилиш”.

Саноқ сўз → от: 个 “ge” – “дона” → 个儿 “ger” – “бўй”, “ўлчам”, 块 “kuai” – “бўлак” → 块儿 “kuair” – “жой”, “ўрин”.

Буни Сун Чайсю “ўзак морфеманинг маъносини аниқлаштириш” орқали ифодалади².

儿 “er” суффикси “бир бўғинли сўзнинг фонетик структурасини ўзгартира олиш борасидаги фикри бўйича Сун Чайсю ва А. А. Хаматовада яқдиллик кузатилади.

子 “zi” суффикси 儿 “er” суффикси каби “бола” маъносидаги сўздан келиб чиққан ва у умумий предметлик маъносига эга бўлган отларни ясайди. Бу энг сермахсул морфемадир. Бу жиҳатдан О. П. Фролованинг монографиясида келтирилган статистик маълумотлар диққатга сазовордир³. Унинг ҳисоби бўйича биологик атамашуносликда икки 子 “zi” ва 儿 “er” суффикс вазифасини бажара оладиган морфемалар орасида 子 “zi” морфемаси анча сермахсулдир. 儿 “er” морфемаси улушига фақат 16,5 фоиз атамалар тўғри келса, 子 “zi” морфемасига 83,5 фоиз атамалар тўғри келади.

Мазкур қўшимча генетик жиҳатдан 子 “zi” ўзаги билан боғлиқдир. Жэнь Сюэянинг далолат беришича, у кўп юз йилликлар давомида мавжуд бўлиб, соф суффикс ҳисобланади.

¹ Xamatova A. Slovoobrazovaniye sovremennogo kitayskogo yazika (The formation of modern Chinese language), Moscow, 2003, p.189.

² 孙常叙。汉语词汇。- 长春，一九五六年。- 页 151。 (Xun Chanxui. Hanyu cihui (Lexicology of Chinese language), Changchun, 2006, p.151.)

³ Frolova O.P. Slovoobrazovaniye v terminologicheskoy leksike sovremennogo kitayskogo yazika (Word formation in terminological vocabulary of modern Chinese language), Novosibirsk, 1981.



胡波刘 Ху Чженхуа, 文月 Венюе “实用现代汉语语法” – “Ҳозирги амалий хитой тили” китобида ҳам аффиксация ҳақида фақат от сўз туркумига оид сўзларнинг ясалиш хусусиятлари ҳақида баён этилганда, 子 “zi”, 头 “tou”, 者 “zhe”, 儿 “er” суффикслари мисол килиб кўрсатилади. Хусусан, муаллиф томонидан 儿 “er” суффиксининг бир нечта хусусиятлари кўриб чиқилган. Бунда муаллиф от, феъл ва сифат негизли морфемаларни 儿 “er” суффикси билан бирга қўллаш натижасида ҳосил бўлган сўзларни алоҳида гуруҳларга бўлган. Хусусан, муаллиф от негизига 儿 “er” суффикси бириктириш орқали ҳосил бўлган отларни алоҳида гуруҳга ажратиш, бу гуруҳ таркибидаги сўзларни учта кичик гуруҳларга бўлиб, 儿 “er” суффикси хусусиятларини кўриб чиққан. Хусусан, биринчи гуруҳдаги от сўз туркумига оид бир бўғинли сўзлар фақат 儿 “er” суффикси билан бирга қўлланади. Масалан: 侄儿 “zhir” – “хизматкор” сўзи. Баъзи от сўз туркумига оид бир бўғинли сўзлар эса 儿 “er” суффиксиз қўлланилса, маъноси ўзгаради. Масалан: 信 “xin” сўзи “хат” маъносига эга, 儿 “er” суффикси билан бирга қўлланилса, 信儿 “xin” – “янгилик” маъносини ифодалайди. Иккинчи гуруҳда от сўз туркумига оид маълум бир бўғинли сўзлар 儿 “er” суффикси билан ва усиз ҳам қўлланила олади. Бунда уларнинг маъноси ўзгармайди. Масалан: 花 “hua” ва 花儿 “huaer” – гул, 鸟 “niao” ва 鸟儿 “niaoer” – “қуш”, 歌 “ge” ва 歌儿 “ger” – “кўшиқ” сўзлари. 儿 “er” суффикси бу сўзларда фақат сўз шаклининг ўзгаришига хизмат қилади. Учинчи гуруҳга оид бўлган сўзлар 儿 “er” суффикси билан ва усиз ҳам қўлланила олади, лекин бунда иккала сўзнинг семантикасида ўзгаришлар кузатилади. Масалан: 板儿 “baner” сўзи кичик ҳажмдаги, юпка тахтани ифодаласа, 儿 “er” суффиксиз ушбу

сўз қалин ва катта ҳажмдаги тахта маъносига эга бўлган сўзни билдиради.

胡播刘 Ху Болиё феъл ва сифат ўзак морфемасига 儿 “er” суффикси бириктириш орқали ҳосил бўлган отларни алоҳида гуруҳга ажратиш, бу гуруҳ таркибидаги сўзларни учта кичик гуруҳларга бўлиб, 儿 “er” суффикси хусусиятларини кўриб чиққан¹. Хусусан, биринчи гуруҳдаги от сўз туркумига оид бир бўғинли сўзлар [феъл + “儿” “er” суффикси] конструкциясига асосланган ҳолда ҳосил бўлади, бунда феъл оддий хатти-ҳаракатни билдиради. Масалан, 画 “hua” – “чизмоқ” + 儿 “er” – 画儿 “huaer” – “расм”; 包 “bao” – “ўрамоқ” + 儿 “er” – 包儿 “baoer” – “ўрам” каби сўзларнинг ҳосил бўлиши каби. Иккинчи гуруҳдаги от сўз туркумига оид бир бўғинли сўзлар [ҳам феъл + 儿 “er” суффикси] конструкциясига асосланган ҳолда ҳосил бўлади. Бунда феъл морфемаси хатти-ҳаракат қандай усул ёки инструмент орқали содир бўлганлигини ифодаловчи маънога эга бўлади. Масалан, 盖 “gai” – “қопқоқ билан ёпмоқ” + 儿 “er” – 盖儿 “gaier” – “қопқоқ” сўзи. Учинчи гуруҳдаги от сўз туркумига оид бир бўғинли сўзлар бир бўғинли [сифат + 儿 “er” суффикси] конструкциясига асосланган ҳолда ҳосил бўлади. Масалан: 亮 “liangr” – “ёруғ” + 儿 “er” – 亮儿 “liangr” – “ёруғлик”; 空 “kong” – “бўш” + 儿 “er” – 空儿 “kongr” – “бўшлиқ” каби сўзлар.

Бундан ташқари, муаллиф маълум бир кўп бўғинли сўзлар фақат 儿 “er” суффикси билан бирга қўлланила олиши ҳақида гапириб ўтади² ва бу сўзларни алоҳида гуруҳга ажратади. Буларга қуйидагилар киради: 门脸

¹ 胡波刘, 文月. 实用现代汉语语法. - 北京, 2015. - 页 39. (Hu Boliu, Wen Yue. Shiyong xiandai hanyu yufa (Practical grammar of Chinese), Beijing, 2015, p.39.)

² 胡波刘, 文月. 实用现代汉语语法. - 北京, 2015. - 页 40. (Hu Boliu, Wen Yue. Shiyong xiandai hanyu yufa (Practical grammar of Chinese), Beijing, 2015, p.40.)



儿 “menlianr” – “эшк юзаси”, 墨水儿 “mo-shur” – “сиёх” каби сўзлар. Шу билан бирга, маълум бир кўп бўғинли сўзлар 儿 “er” суффикси билан ва мазкур суффикссиз ҳам қўлланила олади. Бунда сўзнинг маъноси ўзгармай, 儿 “er” суффикси сўзнинг шакл ясовчиси сифатида хизмат қилади. Масалан: 项链 儿 “xianlianr” – “занжир”, 水饺 儿 “shuijiaor” – “чучвара” сўзлари.

Хитой тили лексикологияси ва сўз ясашига оид кўплаб ишларда 儿 “er” суффикси ҳақида тегишли маълумотлар мавжуд. Олимлар мазкур сўз ясовчи морфеманинг қуйидаги тўрт асосий функциясини кўрсатиб ўтади: хиссий коннотацияни ифодалаш, ўзак морфеманинг маъносини аниқлаштириш, ўзак морфеманинг категориясини ўзгартириш ва бир бўғинли морфеманинг фонетик тузилишини ўзгартириш. Қуйида айтиб ўтилган функцияларнинг ифодаланиш хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Биринчи функция – хиссий коннотацияни ҳосил қилиш. 儿 “er” суффикси ўзак морфема маъносига кўшимча хиссий бўёқдорлик маъносини беради. Хусусан, объект кичик ҳажмга эга эканлигини ифодалаш учун ушбу суффиксдан кенг қўлланилади. Бунда 儿 “er” суффикси кичрайтирувчи ёки эркалатиш маъносидаги отларни ясайди. Масалан: 盖 儿 “gai” – “қопқоқча” (盖 “gai” – “қопқоқ” сўзига 儿 “er” суффикси бирикиши орқали 盖 儿 “gai” – “қопқоқча” сўзи ясалган). 儿 “er” суффикси орқали эркалатиш маъносига эга бўлган сўзлар ҳам ясалади, бироқ уларнинг миқдори нисбатан кам учрайди. Масалан: 我的孩 儿 “wode hair” – “Менинг болажоним”, 我的宝贝 儿 “wode baobeir” – “Менинг дўмбоққинам” (“болагинам”). Бундан ташқари, мазкур суффикс орқали ясалган сўзлар камситувчи маънога

эга бўлиши мумкин. Масалан, 教员 儿¹ “jiaoyuanr” – “узтозча”. Бу сўз қадимги Хитойда муаллимга нисбатан менсимаслик маъносида қўлланган.

Иккинчи функция – ўзак морфеманинг маъносини аниқлаштириш. Мазкур аниқлик турлича ифодаланади. Баъзида бу суффикс ўзак морфеманинг маъно кўламини торайтириб уни аниқлаштиради, баъзида эса, аксинча, аниқ маънога эга бўлган ўзак морфемадан мавҳум маъноли сўзларни ясайди. Масалан, 口 “kou” – “тешик”, “туйнуқ” сўзига 儿 “er” суффикси бирикиши натижасида 口 儿 “kour” – “кириш, чиқиш жойи” сўзи ҳосил бўлади. 路 lu” – “йўл” сўзига 儿 “er” суффикси бирикиши натижасида “(活) 路 儿² “huo”) lur” – “(вазиятдан) чиқиш йўли” вужудга келади.

Учинчи функция – ўзак морфеманинг категориясини ўзгартириш. Бу функция 儿 “er” суффикси феъл ва адъектив морфемалардан отларни ясаганда, ўз ўрнига эга бўлади. Бунда отлар [А (феъл) + 儿 “er” = от] конструкциясига таянган ҳолда ҳосил бўлади. Масалан: 包 bao – “ўрамоқ” + 儿 er = 包 儿 baor – “ўрам”, 套 tao – “кийдирмоқ” + 儿 er = 套 儿 taor – “чехол”³.

Тўртинчи функция – бир бўғинли морфеманинг фонетик структурасини ўзгартириш, яъни хитой тилида баъзи бир бўғинли сўзлар фақатгина 儿 “er” суффикси билан бирга қўлланади ва бир бўғинли сўзни ҳосил қилади. Масалан: 景 儿 “jingr” – “кўриниш”, “пейзаж” (景 “jing” – “кўриниш” + 儿 “er” суффикси), 簪 儿 “zandr” – “соч шпилькаси” (

¹ 孙常叙。汉语词汇。- 长春，一九五六年。- 页 153。 (Xun Chanxui. Hanyu cihui (Lexicology of Chinese language), Changchun, 2006, p.153.)

² 现代汉语词典。— 北京，2015。- 页 888。 (Xiandai hanyu cidian (Dictionary of modern Chinese language), Beijing, 2015, p.188.)

³ 孙常叙。汉语词汇。- 长春，一九五六年。- 页 152。 (Xun Chanxui. Hanyu cihui (Lexicology of Chinese language), Changchun, 2006, p.152.)



簪 “zan” “шпилька” + 儿 “er” суффикси), 醜 儿 “bu” – “вино замбуруғи”, “моғор” (醜 “bu” “замбуруғ” + 儿 “er” суффикси). Мазкур сўзлар 儿 “er” суффиксисиз қўлланилмайд. Хитой тилида бундай тузилишга эга бўлган сўзлар кўп эмас.

Юқорида айтиб ўтилган адабиётлардан ташқари 郭振华 Guo Дженхуа муаллифлигида яратилган “简明汉语语法” – “Хитой тили грамматикаси”, 甲小龙 Дзя Сяолонгнинг “汉语语法学” – “Хитой тили грамматикаси”, 陈光磊 Чен Гуанлейнинг “汉语词法论” – “Хитой тили грамматикаси ҳақида мулоҳазалар”, 朱庆明 Чжу Чингминнинг “实用语法分析” – “Амалий хитой тили грамматикаси” китобида ҳам фақат от сўз туркумига оид сўзлардаги аффиксация ҳодисаси ҳақида гапирилганда, 子 “zi”, 头 “tou”, 者 “zhe”, 儿 “er” суффикслари мисол қилиб кўрсатилади. Бошқа сўз туркумига оид сўзлардаги аффиксация ҳодисаси ҳақида умумий маълумот берилиб, мисоллар келтирилган. Бироқ, хитой тилида аффиксацияга оид алоҳида адабиёт яратилгани йўқ.

子 “zi” суффикси ёрдамида ҳам икки бўғинли, ҳам уч бўғинли сўзлар ясалди. Замонавий хитой тилининг далилий материалларини кўриб чиқамиз: 房子 “fangzi” – “уй”, “бино”, 屋子 “wuzi” – “хона”, 梯子 “tizi” – “зина”, 炉子 “luzi” – “печка”, 院子 “yuanzi” – “ҳовли”, 车子 “chezi” – “арава”, 轮子 “lunzi” – “ғилдирак”, 桌子 “zhuozi” – “стол”, 椅子 “yizi” – “стул”, 凳子 “dengzi” – “курси”, 柜子 “guizi” – “жавон”, 袍子 “paozi” – “чопон”, 帽子 “maozi” – “бош кийим (шапка, шляпа)”, 裤子 “kuzi” – “шим”, 鞋子 “xiezi” – “оёқ кийим (ботинка, туфли)”, 袜子 “wazi” – “пайпоқ”, 梳子 “shuzi” – “тароқ”, 剪子 “jianzi” – “қайчи”, 扇子 “shanzi” – “елпиғич”, 被子 “beizi” – “кўрпа”, 盒子 “hezi” – “кути”, 瓶子 “pingzi” –

“бутилка”, 刀子 “daozi” – “пичок”, 筷子 “kuaizi” – “овқат ейиш учун таёқча”, 勺子 “shaozi” – “қошиқ”, 钉子 “dingzi” – “мих”, 鞭子 “bianzi” – “камчи”, 哨子 “shaozi” – “хуштак”, 妻子 “qizi” – “хотин”, 孩子 “haizi” – “гўдак”, “фарзанд”, 儿子 “erzi” – “ўғил”, 孙子 “sunzi” – “набира”, 胖子 “pangzi” – “бакалок”, 瘦子 “shouzi” – “озғин (одам)”, 麻子 “mazi” – “чўтир (одам)”, 鼻子 “bizi” – “бурун”, 脖子 “bozi” – “бўйин”, 脑子 “naozi” – “мия”, 肚子 “duzi” – “ошқозон”, 腰子 “yaozi” – “бўйрак”, 狮子 “shizi” – “шер”, “арслон”, 兔子 “tuzi” – “қуён”, 鸭子 “yazi” – “ўрдак”, 燕子 “yanzi” – “қалдирғоч”, 蚊子 “wenzzi” – “чивин”, 粒子 “lizi” – “дон”, “зарра”, 树林子 “shulinzi” – “ўрмон”, 树墩子 “shudunzi” – “тўнка”, 树叶儿 “shuyezzi” – “япроқ”, 两口子 “liangkouzi” – “эр-хотин”, 小伙子 “xiaohouzi” – “ийгит”, “ўспирин”, 穷棒子 “qiongbangzi” – “қамбағал”, “қашшоқ”, 花子 “huazi” – “гадой”, 骗子 “painzi” – “алдоқчи”, “муттахам”, “қаллоб”, 狗腿子 goutuizi – “хизматкор”, “малай”, 日子 rizi – “кун”, “сана”, 样子 yangzi – “манзара”, “намунa”, “андоза”, 单子 “danzi” – “рўйхат” ва бошқалар¹.

Келтирилган тил материаллари шундан далолат берадики, 子 “zi” суффикси ёрдамида ясалган сўзлар одамлар, ҳайвонлар, инсон танаси аъзолари, уй-рўзғор асбоблари ва ҳоказоларни билдиради.

Хитой тили лексик бирликларининг ички таркибини таҳлил қилиб, 子 “zi” суффиксинини 子 “zi” ўзак морфемасидан фарқлаш лозим². Ушбу морфемадан тухумча, донча (заррача) маъносидаги, масалан, 鱼子 “yuzi” – “икра” (балиқ тухуми); 蚕子 “canzi” – “қурт” (ипак қурти уруғи); 松子 “songzi” –

¹ 现代汉语词典。— 北京，2015。(Xiandai hanyu cidian (Dictionary of modern chinese language), Beijing, 2015.)

² 胡波刘，文月。实用现代汉语语法。- 北京，2015。- 页 38。(Hu Boliu, Wen Yue. Shiyong xiandai hanyu yufa (Practical grammar of Chinese), Beijing, 2015, p.38.)



“кедр ёнғоғи”, 莲子 “lianzi” – “нилуфар уруғи” каби сўзлар ясалади.

Икки морфемалар ўртасидаги фарқ нафақат морфологик, балки фонетик ҳамдир. Ўзак морфема учинчи оҳангда талаффуз этилади, суффиксал морфема эса редукцияга учрайди ва натижада енгил оҳангда ўқилади.

子 “zi” суффиксининг икки бўғинли сўзлар билан бирга қўлланилиши замонавий хитой тилида кенг тарқалган тенденция ҳисобланади. Бу орқали сўзнинг оғзаки нутқда қўлланиладиган шакли вужудга келади. Бунда суффиксининг қўлланилиши сўзнинг маъносига таъсир қилмайди. Масалан, “қария” сўзи хитой тилида уч бўғинли сўз 老头子 “laotouzi” ва икки бўғинли сўз 老头 “laotou” орқали ифодаланади. Ёки “ўрмон” сўзини мисол тариқасида олсак: мазкур сўз ҳам хитой тилида уч бўғинли сўз 树林子 “shulinzi” ва икки бўғинли сўз 树林 “shulin” орқали ифодаланади.

子 “zi” ва 儿 “er” суффикслари ўз функцияларига кўра ўхшаш, аммо 儿 “er” эркалатиш маъносини англатса, 子 “zi” камситиш, менсимаслик маъноларини ифодалайди. Қуйида келтирилган мисоллар далил сифатида хизмат қилади:

1) 来了一个老头儿 “Laile yige laotou” – “Қандайдир қария келди”;

2) 瞧，这位老头子多讨厌呢! “Qiao, zhe wei zao laotouzi duo taoyan ne!” – “Буни қаранглар, жонга тегди-ку бу хира чол!”

Биринчи мисолда 老头 “laotou” – “қария” сўзи 儿 “er” суффикси билан қўлланилган ва 老头儿 “laotou” сўзини ҳосил қилиб, ёши улуғ инсонга ҳурмат маъносини ифодалайди ва “қария” деб таржима қилинади. Иккинчи мисолда эса, 老头 “laotou” – “қария” сўзи 子 “zi” суффикси билан қўлланилган ва 老头子 “laotouzi” сўзини ҳосил қилиб, ёши улуғ инсонга нисбатан менсимаслик, камситиш

маъносини ифодалайди ва “қари чол” деб таржима қилинади.

Бироқ, 儿 “er” ва 子 “zi” ли ҳамма сўз жуфтликлари ҳам бундай ижобий ва салбий оппозицияни ташкил қилмайди. Биринчидан, 儿 “er” ва 子 “zi” ли шундай сўзлар мавжудки, улар умуман синонимик жуфтликларни ташкил этмайдилар, улар ёрдамида ҳосилаларнинг дифференциацияси содир бўлади. Масалан: 座儿 “zuor” сўзи 座 “zuo” – “жой” негиз сўзи ва 儿 “er” суффиксидан ташкил топган бўлиб, “умумий жой” маъносини билдирса, 座子 “zuozǐ” сўзи 座 “zuo” – “жой” негиз сўзи ва 子 “zi” суффикс орқали ясадиб, аниқ жойни – “велосипед”, “мотоцикл” даги ўриндиқни билдиради. Иккинчидан, синонимик жуфтликни ташкил этадиган, аммо бу жуфтлик таркибида оппозицияни ташкил этмайдиган жуда кўп сўзлар ҳам мавжуд, масалан: 片儿 “piānr” ва 片子 “piānzi” – карточка, тахтача; 数儿 “shur” ва 数子 “shuzǐ” – сон, рақам ва ҳ.к. 儿 “er” ва 子 “zi” суффикслари ҳосилаларга киритадиган ҳиссий-баҳолавчи маъно ҳамма ҳолларда ҳам намоён бўлмаслиги, кўпроқ бу ҳол шахсни англатувчи отларда содир бўлиши, предметларни англатувчи отларни ҳам яшашда ҳиссий-баҳолавчи маъно ва ҳатто семантик дифференциация содир бўлиши ҳам мумкинлиги ойдин кўриниб турибди. Масалан: 门儿 “menr” – эшик; 门子 “menzi” – туйнук, протекция, кўл².

儿 “er” суффикси ҳам нарса-предмет маъносини ифодаловчи отларни ҳосил қилади. Бу суффиксининг этимологик асоси 儿 “er” “ўғил” морфемасидир. Хитой тилида мазкур суффикс орқали ясалган от сўз туркумига оид сўзлар суффикслар орқали ясалган лексик бирликларга қараганда кам миқдорни ташкил қилади. Шулардан мисол тариқасида қуйидаги сўзларни келтирамыз: 景儿 “jǐngr” – “ман-

¹ Хаматова А. Slovoobrazovaniye sovremennogo kitayskogo yazika (The formation of modern Chinese language), Moscow, 2003, p.189.

² 现代汉语词典。— 北京，2015。- 页 934。(Xiandai hanyu cidian (Dictionary of modern chinese language), Beijing, 2015, p.934.)



зара”, “пейзаж”, 簪儿 “zanr” – “соч тўғноғич”; 爪儿 “zhuar” – “чангал”, “панжа”; 醜儿 “chur” – “шароб замбуруғи” (“моғор”, “пўпанак”).

儿 “er” суффиксининг хусусиятлардан бири бу – мазкур суффикс бошланғич сўз маъносини ўзгартиради, масалан: 小人 “xiaogen” – “паст, тубан киши” → 小人儿 “xiaogener” – “кичкина одам”, 白面 “baimian” – “оқ ун”, “буғдой уни” → 白面儿 “baimianr” – “героин”, 本 “ben” – “илдиз”, “асос” → 本儿 “benr” – “капитал”, 消息 “xiaoxi” – “янгиликлар” → 消息儿 “xiaoxir” – “ишга туширувчи педаль”.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хитой тилининг адабий тили сифатида Пекин шеvasи (путунхуа) меъёр сифатида қабул қилинган. Путунхуага хос хусусиятлардан бири эса 儿 “er” суффиксининг отларга оид сўзлар охирида ишлатилиши ҳисобланади. Бунда мазкур суффикс қўлланилишининг хусусиятлари сўзловчининг оҳангини юмшатиш ва нарса-ҳодисанинг ҳажми кичик эканлигини белгилашдан иборат бўлади.

子 “zi” суффикси ҳақида баён этадиган бўлсак, айтиб ўтиш жоизки, 子 “zi” суффикси шакли ва мазмуни бўйича кўп жихатдан 儿 “er”га ўхшаш, бироқ 儿 “er” суффиксидан бир нечта муҳим фарқларга ҳам эга. Гарчи мазкур суффикс этимологик жихатдан “бола”ни англатса ҳам, кичрайтирувчи тусга эга эмас. Унинг асосий функцияси – отларни ясаш. 子 “zi” ва 儿 “er” суффикслари турли хил сўз негизлари билан бирга қўлланади. Хусусан:

а) Исмий ўзак 子 “zi” суффикси билан бирга от сўз туркумига оид сўзни ҳосил қилади. Бу конструкция [А (от)+ 子 “zi” = от] сифатида ифодаланади. Масалан: 刀 “dao” (“пичок”) ўзак морфемаси 子 “zi” суффикси билан 刀子 “daozi” – “пичоқ” сўзини ҳосил қилади. Қуйидаги мисоллар айнан юқорида кўрсатиб ўтилган конструкция орқали ясал-

ган: 本子 “benzi” – “дафтар”, 桌子 “zhuozi” – “стол”, 树林子 “shulinzi” – “ўрмон”, 筷子 “kuaizi” “таёқча” – ва бошқалар. Сўз негизига 子 “zi” суффикси кўшилиши орқали сўз маъносининг конкретлашуви ва уни оғзаки нутқга хос шаклга эга бўлишига олиб келади. Хусусан, “Менда битта дафтар бор” гапи мисолида кўриб чиқадиган бўлсак: “我有一本本子” “Wo you yi ben benzi”. Мазкур гапда 本 “ben” морфемаси ҳам ҳисоб сўз, ҳам от сўз туркумига оид бўлган сўз таркибида қўлланилган. 本 “ben” морфемасининг туб маъноси “негиз, асос, илдиз” демакдир. Ушбу морфеманинг хусусияти шундан иборатки, у ҳам ҳисоб сўз ҳисобланади ва, шу билан бирга, 子 “zi” суффикси билан бирга қўлланилганда, от сўз туркумига оид сўзларни ҳосил қила олади. Мазкур морфема “китоб”, “журнал”, “дафтар” сўзларига ҳисоб сўз бўлиб хизмат қилади. Ҳисоб сўз вазифасида мазкур морфема яқка ҳолда ёки тегишли рақам билан биргаликда предмет миқдорини белгилаб бериш учун қўлланилади. Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, хитой тилида ҳар бир от сўз туркумига оид сўз рақам билан бирга қўлланилганда, предмет миқдори доимо тегишли ҳисоб сўзлар билан бирга ифодаланади, яъни [рақам+ҳисоб сўз+от] конструкциясига таянган ҳолда. Ушбу мисолда — “yi” – “бир” рақами 本 “ben” ҳисоб сўз билан бирга қўлланилган ва “битта” маъносидаги сўзни ҳосил қилган. От сўз туркумига оид сўз вазифасида эса “дафтар” маъносини билдириб, [А (от)+ 子 “zi” = от] конструкциясига асосланган ҳолда 本子 “benzi” шаклига эга сўзни ҳосил қилган.

Шу билан бирга, 子 zi суффикси предмет маъносидаги исмий негизлар билан бирга қўлланилса, сўзларнинг абстракт маъно касб этишига ҳам олиб келади. Масалан: 路 lu “йўл” ва 路子 luzi – “чиқиш”, “усул”. Бошқа



бир мисол: 面 mian “юз” ва 面子 mianzi¹ – “яхши ном”, “олийжаноблик”. Бундан ташқари, 子 zi суффикси орқали от сўз туркумига оид сўзнинг бошланғич маъносининг ўзгариши ҳам кузатилади. Масалан: 口 kou “оғиз” + 子 “zi” суффикси → 口子 kouzi “жароҳат”, 月 yue “ой” + 子 “zi” суффикси → 月子 “yuezi” “туғишдан кейинги давр” (30 кунни ўз ичига олади). Бу хусусиятлар 儿 “er” суффиксига хос эмас.

Исмий ўзак 儿 “er” суффикси билан бирга от сўз туркумига оид сўзни ҳосил қилади, бу конструкция [А (от)+ 儿 “er” = от] сифатида ифодаланади: 旗儿 “qier” – “байроқча” (旗 “qi” “байроқ” сўзига 儿 “er” суффикси бирикиши орқали 旗儿 “qier” – “байроқча” сўзи ясалган), 刀儿 “daor” – “пичоқча” (刀 dao “байроқ” сўзига 儿 “er” суффикси бирикиши орқали 刀儿 “daor” – “пичоқча” сўзи ясалган). 儿 “er” суффикси кичрайтириш маъносини ифодалаш учун хизмат қилади.

б) Сифат ўзак 子 “zi” суффикси ёки 儿 “er” суффикси билан бирга от сўз туркумига оид сўзни ҳосил қилади, бу конструкция [А (сифат) + 子 zi =от], [А (сифат) + 儿 er = от] сифатида ифодаланади. Масалан: 胖 pang – “семиз” + 子 zi = 胖子 pangzi – “семиз” (объект, предмет), 黑 hei – “қора” + 子 zi = 黑子 heizi “қора доғ”, 瘦 shou – “озғин” + 子 zi = 瘦子 shouzi – “озғин”, 短 “duan” – “калта” + 儿 er = 短儿 “duanr” – “камчилик”, 亮 “liang” “ёркин” + 儿 er = 亮儿 “liangr” – “ёруғлик”, 干 “gan” – “курук” + 儿 er = 干儿 “ganr” – “туршак”.

в) Фейл ўзак 子 zi ёки 儿 “er” суффикси билан бирга от сўз туркумига оид сўзни ҳосил қилади, бу конструкция [А (фейл) + 子 “zi” =от], [А (фейл) + 儿 “er” =от] сифатида

ифодаланади. Масалан: 拍 pai – “урмоқ” + 子 zi = 拍子 “paizi” – “ракетка”, 剪 jian “қирқмоқ” + 子 “zi” = 剪子 “jianzi” – “қайчи”, 盖 “gai” – “ёпмоқ” + 儿 “er” = 盖儿 “gaier” – “қопқоқ”, 包 “bao” – “ўрамоқ” + 儿 “er” = 包儿 “baor” – “ўрам”².

г) Санок сўз 子 “zi” суффикси билан бирга от сўз туркумига оид сўзни ҳосил қилади, бу конструкция [А (санок сўз) + 子 “zi” =от] сифатида ифодаланади. Масалан: 堆 “dui” – “тўда” + 子 “zi” = 堆子 duizi – “тўда”, “қашшоқлар квартали”. Юқорида кўрсатиб ўтилган мисолларда сўзнинг биринчи компоненти предметнинг нима мақсадда қўлланилиши, унинг амалий функциясини ифодаловчи маънони ифодалайди.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, санок сўз 儿 “er” суффикси билан бирга келиб, от сўз туркумига оид сўзни ҳосил қилади, бу конструкция [А (санок сўз) + 儿 “er” = от] сифатида ифодаланади. Масалан: 块儿 “kuar” – “бўлак” сўзини мисол тариқасида олсак. Ушбу сўз ўзагини 块 “kuai” морфемаси ташкил қилиб, у одатда фақат [ракам+ҳисоб сўз+от] конструкциясига асосланган ҳолда қўлланади ва от сўз туркумига оид сўзнинг қанча миқдорга эга эканлигини ифодалайди. Масалан, 三块面包 “san kuai mianbao” – “уч бўлак нон”. Бунда 块 “kuai” ва 块 “kuair” бир хил маънога эга бўлади. Бироқ, баъзи ҳисоб сўзлар 儿 “er” суффикси билан бирга қўлланганда ҳосил бўлган от сўз туркумига оид сўзнинг маъноси сўзнинг ўзак морфемасидан фарқ қилади. Масалан: 个 “ge” морфемаси – “дона” маъносига эга бўлиб, хитой тилида барча от сўз туркумига оид сўзлар билан бирга қўлланила олади ва универсал морфема ҳисобланади. Лекин 儿

¹ 现代汉语词典。— 北京，2015。- 页 947。(Xiandai hanyu cidian (Dictionary of modern chinese labguage), Beijing, 2015, p.947.)

² 孙常叙。汉语词汇。- 长春，一九五六年。- 页 152。(Xun Chanxui. Hanyu cihui (Lexicology of Chinese language), Changchun, 2006, p.152.)



“er” суффикси билан бирга янги маънодаги 个儿 “ger” – “бўй” сўзни ҳосил қилади.

Бундан ташқари, рақамлардан кейин ҳам 儿 “er” суффиксини қўллаган ҳолда от сўз туркумига оид сўзлар ҳосил бўлади. Бу ҳолат 子 “zi” суффикси билан кузатилмайди. Бу сўзлар, одатда, тартиб бўйича фарзандлар кетма-кетлигини билдиради. Масалан: 三儿 “sanr” – “учинчи фарзанд”, 四儿 “sir” – “тўртинчи фарзанд”. Бироқ — “yi” – “бир” ва 二 “er” – “икки” рақамлар бундан мустасно, улар ҳеч қачон 一儿 “yiner”, 二儿 “erer” шаклида қўлланилмайди. Сабаби, хитой тилида кўплаб омоним сўзлар мавжуд, уларнинг нафақат ўқилиши, балки оҳанги ҳам бир хил бўлиб, сўзлар маъносини ифодалаганда тушунмовчиликка олиб келиши мумкин, шу сабабдан ҳам бундай ҳолларни олдини олиш мақсадида юқоридаги сўзлар “儿” “er” суффикси билан бирга қўлланилмайди. Масалан, “yiner” бўғини “чакалоқ” маъносини ифодалайди, шу сабабдан ҳам, “биринчи фарзанд” маъносидаги сўз 一儿 “yiner” шаклида эмас, балки 第 “di” префикси орқали ифодаланади: 第一个孩子 “di yige haizi” – “биринчи фарзанд”.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда, хулоса қилиш мумкинки:

1) 子 “zi” суффикси ёрдамида ҳам икки бўғинли, ҳам уч бўғинли сўзлар ясалади; 儿 “er” суффикси ёрдамида эса икки, уч ва тўрт бўғинли сўзлар ясалади;

2) Хитой тилида 子 “zi” суффикси иштирок этган от сўз туркумига оид сўзларни яшашда хизмат қилувчи тўртта конструкция мавжуд, булар: [A (от) + 子 “zi” = от], [A (сифат) + 子 “zi” = от], [A (феъл) + 子 “zi” = от], [A (санок сўз) + 子 “zi” = от]. 儿 “er” суффикси иштирок этган конструкция бештани ташкил қилади, булар: [A (от) + 儿 “er” = от], [A (сифат) + 儿 “er” = от], [A

(феъл) + 儿 “er” = от], [A (санок сўз) + 儿 “er” = от], [A (рақам) + 儿 “er” = от];

3) Баъзи от сўз туркумига оид сўзлар 子 “zi” ёки 儿 “er” суффикси билан бирга қўлланилса, сўзнинг бошланғич маъносининг ўзгаришига олиб келади;

4) 子 “zi” ва 儿 “er” суффикслари ўз функцияларига кўра ўхшаш, аммо 儿 “er” эркалатиш маъносини англатса, 子 “zi” камситувчи, менсимаслик маъносини ифодалайди; 儿 “er” кичик ҳажмдаги объектни ифодаласа, 子 “zi” аксинча – катта ҳажмдаги объектни билдиради;

5) 子 “zi” суффикси предмет маъносидаги исмий негизлар билан бирга қўлланилса, сўзларнинг абстракт маъно касб этишига ҳам олиб келади, 儿 “er” суффикси бу хусусиятга эга эмас;

6) 子 “zi” суффикси ва 子 “zi” морфемаси ўртасида ҳам морфологик, ҳам фонетик фарқ мавжуд. Ўзак морфема учинчи оҳангда талаффуз этилади, суффиксал морфема эса редукцияга учрайди ва натижада енгил оҳангда ўқилади;

7) 儿 “er” суффикси сўзловчининг оҳангини юмшатиш ва нарсасиз ҳодисани ҳажми кичик эканлигини белгилаш хусусиятига эга, 子 “zi” суффикси бу хусусиятга эга эмас;

8) 子 “zi” суффикси ҳам, 儿 “er” суффикси ҳам янги сўз ҳосил қилиш ва сўз шаклини ўзгартириш хусусиятига эга.

